



## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ (ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ)

ВА

## ҚОЗОН (ВОЛГАБҮЙИ) ФЕДЕРАЛ УНИВЕРСИТЕТИ (РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ)

ЎРТАСИДА

### АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ

Устав асосида фаолият кўрсатувчи Тошкент давлат юридик университети номидан ректор Хакимов Раҳим Расулжонович ва Устав асосида фаолият кўрсатувчи Қозон (Волгабўйи) федерал университети номидан ректор Гафуров Илшат Рафкатович (алоҳида Томон биргаликда “Томонлар” деб номланади) ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида қўйидагилар тўғрисида келишиб олди:

#### 1-модда Ҳамкорлик йўналишлари

Ушбу Англашув меморандуми доирасидаги ҳамкорлик дастурлари Томонларнинг имкониятлари ва қонунчилигига асосан қўйидаги тадбир ва дастурларни қамраб олиши керак:

- а) талабалар алмашинуви;
- б) қўшма таълим ва илмий-тадқиқот лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- в) тадқиқот фаолияти натижаларини биргаликда нашр этиш;
- г) ҳар қайси Томон тарафидан ташкил этилган дарс, семинар, тренинг, конференция ва симпозиумларда иштирок этиш;
- д) талаба, тадқиқотчи, профессор-ўқитувчи ва докторантлар алмашинуви;
- е) ҳар қайси Томон тарафидан ташкил этиладиган конференция, симпозиум, семинар, дарс ва тренинглар ишида қатнашиш;
- ж) илмий материаллар ва маълумотлар алмашинуви;
- з) Томонлар ўзаро келишиши мумкин бўлган бошқа тадбир ва дастурлар.

#### 2-модда Ҳамкорлик шартлари

Ушбу Англашув меморандуми доирасида амалга ошириладиган ҳар қандай дастур ва фаолиятнинг молиявий манбаси мазкур дастур ёки фаолият бошланишидан олдин Томонлар тарафидан ўзаро келишиб олиниши лозим.

**3-модда**  
**Тадбир ёки дастурларни амалга**  
**ошириш учун масъул шахслар**

Томонлар мазкур Алмашинув меморандуми доирасида келишилган тадбир ёки дастурларни ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш учун масъул шахсларни тайинлайди.

**4-модда**  
**Интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш**

Интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Томонларнинг миллий қонунчилигига мувофиқ амалга оширилиши керак.

Ҳар қандай нашр, хужжат ва/ёки лойихада бир Томон бошқа Томоннинг номи, логотипи ва/ёки расмий тимсолидан фойдаланиш юзасидан иккинчи Томоннинг ёзма розилигини олиш талаб этилади ҳамда ёзма розилик олмаган ҳолда улардан фойдаланиш тақиқланади.

**5-модда**  
**Ўзгартириш ва қўшимчалар**

Ушбу Англашув меморандумига ўзгартириш ва қўшимчалар Томонларнинг ўзаро келишуви асосида киритилиши мумкин. Ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар далолатномалар билан расмийлаштирилади ва улар мазкур Меморандумнинг ажralmas қисми ҳисобланади.

**6-модда**  
**Низоларни ҳал қилиш**

Мазкур Англашув меморандумини талқин қилиш, қўллаш ва ижро этиш жараёнида юзага келадиган ҳар қандай низолар Томонлар ўртасида ўзаро маслаҳатлашув ёки музокаралар олиб бориш орқали тинч йўл билан ҳал этилиши керак.

**7-модда**  
**Бошқа қоидалар**

Ушбу Англашув меморандуми Томонларнинг ўзаро ҳамкорлик қилиш ниятининг асоси бўлиб хизмат қиласида ва хеч қандай қонуний мажбурият келтириб чиқармайди. Ушбу Меморандум учинчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир қилмайди.

**8-модда**  
**Англашув меморандумининг кучга кириши, муддати ва бекор қилиниши**

Ушбу Англашув меморандуми имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва беш (5) йил давомида амал қиласида. Шундан сўнг, у автоматик равища кейинги 5 (беш) йилга янгиланади, агар бир Томон бошқа Томонга Англашув меморандумини бекор қилиш истаги тўғрисида бекор қилишдан камида 6 (олти) ой олдин ёзма равища огохлантириш юбормаган бўлса.

Ушбу Англашув меморандумининг бекор қилиниши у бекор қилинган кундан олдин келишилган ҳамда амалга оширилаётган тадбир ва дастурларнинг бажарилишига таъсир қилмайди.

Мазкур Меморандум икки нусхада, ҳар бир Томон учун бир нусхадан, рус тилида тузилган.

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚОЗОН (ВОЛГАБҮЙИ) ФЕДЕРАЛЬ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**Ректор**

**Хакимов Р.Р.**

**Ректор**

**Гафуров И.Ш.**

**Сана:**\_\_\_\_\_

**Сана:**\_\_\_\_\_